2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

31-32 (581-582)

2007 йил 8 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

сахифада

2
- «Маҳалла куни»да илғорлар мукофотланди!
- Урганчда курант-соат бонг уради!

3
- Отанинг юзи қон, ўғилнинг юзи қора...
- Шодиёналар арафасидаги шаҳар

4
- Олмонияда чойхона очилди
- Милоддан аввал бунёд бўлган Ахсикат

Марвилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Фарғона вилояти

ВОДИЙ МАРВАРИДИ

16

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори миллий маънавиятимизни юксалтириш, Марғилон шаҳридаги тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш ва халқ фаровонлигини оширишда том маънода тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан бири бўлди.

Марғилон Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳарлардан бири эканлигини 1994-1999 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси Яҳё Ғуломов номли Археология институтининг махсус экспедицияси томонидан олиб борилган археолого-палеогеографик қазишмалар асослаб берди. Милоддан аввалги биринчи ва эрамизнинг I асрларига келиб, ерни сунъий суғориб, деҳқончилик қилиш Марғилонсой ҳавзасининг ўрта ва қўйи оқимлари бўйлаб жойлашган ҳудудларни тўлиқ қамраб олди. Шу даврда, яъни бундан 2000 минг йил аввал Марғилонсойнинг ўнг соҳили бўйлаб, ҳозирги Марғилон шаҳридаги Машад маҳалласи ҳудудида 25 гектар майдонни эгаллаган шаҳар пайдо бўлади. Шаҳар арки ва мудофаа девори ўрта асрларда бутунлай вайрон бўлган. Қадимшунослар томонидан шаҳардаги қадимий оташпарастлик ибодатхонаси қолдиқлари ўрганилди.

Топилган археологик ашёларнинг сифати, хилма-хиллиги ва кўп миқдорда экани милодий даврнинг аввалидаёқ бу ернинг йирик иқтисодий-ижтимоий марказ бўлганидан далолат беради. Милодий VI-VIII асрларда Марғилон шаҳри ҳудуди шарқ ва шимолий-шарқий томонга кенгаяди. Шаҳарда ўша даврлардан бошлаб ҳунармандчилик кенг қулоч ёйиб, ривожланади.

Марғилон ўрта асрларда ҳам, жумладан, Қўқон хонлиги даврида йирик шаҳар сифатида Фарғона водийси сиёсий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. 1876-1926 йилларда Марғилон Фарғона вилоятининг уезд шаҳри бўлган. Сўнгра вилоят микёсидаги шаҳарга айлантирилган. 1927 йилда Марғилонда пиллачилик фабрикаси қурила бошланган. Бу даврга келиб шаҳарда 2 та электр станцияси, босмахона, механика устахонаси, нон ва лимонад заводлари мавжуд эди. Кейинроқ механизациялашган кўнчилик заводи, тахта тилиш устахонаси, пойафзал фабрикаси ишлай бошлайди. Шойи тўқиш артеллари катталашди, бир қанча янги ҳунармандчилик корхоналари ишга тушди. 1963 йилда бадиий-газламалар ишлаб чиқарувчи ҳунармандчилик артеллари негизида "Атлас" фирмаси вужудга келди.

Айни кунда марғилонликларнинг каттаю кичигини бунёдкорлик, яратувчанлик тадоригида учратасиз. Айниқса, қадимдан ҳунармандлар камол топган бу шаҳарда асрий анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани таҳсинга лойиқ. Суратдаги гиламдўз қиз ҳам она шаҳри Марғилон шарафига гилам тўқиган. Бу гиламнинг ҳар бир қатига Ватанга меҳр ҳислари қўшиб тўқилгани шубҳасиз.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2000 йил 16 ноябрда буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги муносабати билан Марғилонга ташриф буюриб, аллома шарафига бунёд этилган ёдгорлик мажмуаси очилишида сўзлаган нутқида марғилонликларнинг бағрикенг, меҳмондўст ва меҳнаткаш, тадбиркор ва ишбилармон эканлиги, бу замин азалазалдан ранг-баранг атласлари, ўзлигимиз рамзига айланиб қолган дўппилари, хушовоз ҳофизлари, моҳир боғбонлари билан оламга танилганлигини таъкидлаб, шаҳарга Фарғона водийсининг марвариди, дея юксак баҳо берди. Зотан, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш ташаббускори ҳам, шаҳарда амалга оширилган ва оширилаётган улкан ишларнинг бош даъваткори ҳам Юртбошимиздир. Асосий лойиҳалар Президентимизнинг кўрсатмалари ва амалий ёрдамлари билан барпо бўлди, бунёдкорлик ишлари ҳамон давом этмоқда.

Давоми 2-саҳифада

Тошкент шаҳри

Яқинда пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси раҳбарияти ташаббуси билан маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни Она ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ҳамда "Маҳалла куни" муносабати билан Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" шиори остида маданий-маърифий табдир ўтказилди.

"ЭЛ ИШОНЧИ ЭЪТИРОФГА ЕТАКЛАДИ",

— дейди Тошкентда бўлиб ўтган "Маҳалла куни" тадбирида кўрик-танлов ғолиби сифатида тақдирланганлар

Бугунги кунда жамиятда юз бераётган хоҳ ижобий ўзгаришлар, хоҳ муаммо ва камчиликлар бўлсин, уларнинг илдизини дастлаб маҳаллалардан излашга одатландик. Қолаверса, айни пайтда юртни обод, аҳоли турмушини фаровон этишда ҳам фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, уларнинг атрофида жипслашган маҳалла фаолларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шу боисдан ҳам ўзини ўзи бошқариш тизими сифатида шаклланаётган, маҳалла деган мақомини мустаҳкамлаб бораётган фуқаролар йиғинлари ўтган 16 йил ичида том маънода халқнинг ишончу эътиборини қозониб улгурди десак, янглишмаймиз. Энг асосийси, бугунга келиб маҳаллалар даъваткорлик, ташаббускорлик кучига эга. Эзгу ишлар, хайрли мақсадлар йўлида минглаб фуқароларни ҳамжиҳатликда ўз ортидан эргаштира оладиган оқсоқолларимиз, маслаҳатчию кайвониларимизнинг ғайрату шижоатини кўриб, бунга яна бир бор амин бўласан киши. Истиқлол шарофати билан юртимизда ана шундай фидойи инсонларнинг меҳнатини эътироф этиш, муносиб тақдирлаш, қолаверса, маҳалладошлар учун байрам сайлини ташкил этиш мақсадида ҳар йили вилоят, шаҳар ва туман марказларида анъанавий "Маҳалла куни" тадбирлари ўтказиб келинади. Август ойининг дастлабки ҳафтасида, Истиқлол байрами арафасида ўтказиладиган мазкур байрам тадбири жорий йилда ҳам жойларда кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Яқинда пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида тўпланганлар ҳам шундай анъанавий байрам тадбирининг гувоҳи бўлдилар. Тадбирда пойтахтдаги ибратли маҳаллалар оқсоқоллари, маслаҳатчилар ва йиғин фаоллари иштирок этди.

М.Улуғбек номли тумандаги Бўз-2 маҳалласи фуқароси М.Мўминжонова йиғин ҳаётидаги фаол иштироки учун тақдирланди.

Унда "Маҳалла" жамғармаси томонидан эълон қилинган анъанавий кўрик-танловлар номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди ва муносиб тақдирланди. Тадбирда 9 та номинация шартлари бўйича иштирок этган пойтахт маҳаллалари ҳамда фуқаролар йиғинлари вакиллари ўзлари эришган ютуқлар, ҳудудида амалга оширилган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари ҳамда намунали фаолиятини турли кўргазмавий ашёлар, бадиий чиқишлари орқали намойиш этишди.

Давоми 2-саҳифада

"ЁШЛИК" ЁШЛАРИГА БАЙРАМ

Унда Зиё, Университет, Беруний майдони, Шифокор, Чиғатой-Оқтепа ва Беруний, Хислат, Мирзо Ғолиб, Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд номли маҳаллалар фуқаролари ҳамда шаҳарча ёшлари иштирок этиб, эл ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

Тадбир сўнгида эса иштирокчилар пойтахтимиздаги обод гўшалардан бири, яқинда Юртбошимиз ташаббуси билан қайта таъмирдан чиқарилган Ҳазрати Имом масжидини зиёрат қилишди.

Назира ҲАМРОЕВА

— Яна нима дейсиз?

— Бугун қай бир маҳаллага борманг, байрамнинг устидан чиқасиз-а.

Юртимиз спортчилари довруғи

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Сингапурда 16 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида шахмат бўйича ўтказилаётган жаҳон шахмат олимпиадасида ўттиздан зиёд мамлакат шахматчилари қаторида ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли дона сурмоқда.

Ўзбекистонлик ёш шахматчилар мусобақанинг биринчи турида Австралиянинг учинчи таркибига қарши дона сурди. Биринчи тахтада ўйнаган Жамшид Мустафоев рақиби Эндрю Браунни, Хуршид Мустафоев Федья Зулфикни, Евгений Пак Алана Чибнални ва Улуғбек Тиллаев Аббэ Канагаражахни мағлубиятга учратиб, терма жамоамизнинг 4:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Ҳамюртларимиз иккинчи учрашувда Шри-Ланка терма жамоасининг биринчи таркиби билан куч синашиб, 3:1 ҳисобида зафар қучди. Жамшид Мустафоев Ража Ражапакшадан, Хуршид Мустафоев Рашин Де Сильвадан, Улуғбек Тиллаев Сахан Сачинтадан устун келган бўлса, Евгений Пак Напу Араччига имкониятни бой берди.

Учинчи турда эса туркиялик шахматчилар спортчиларимизнинг тажриба ва маҳорат бобидаги устунлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Ушбу баҳсда Жамшид Мустафоев ва Мустафо Йилмаз, Евгений Пак ҳамда Мерт Йилмазерли ўзаро дуранг ўйнади. Улуғбек Тиллаевнинг Атаман Айдоғдуни ва Хуршид Мустафоевнинг Ўғулжон Канмазалпни мот қилиши эса терма жамоамизга 3:1 ҳисобидаги ғалабани келтирди.

Кетма-кет учта учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, пешқадамлар қаторига қўшилган шахматчиларимиз тўртинчи турда жаҳон шахмат олимпиадаси ғолиблигига асосий даъвогарлардан ҳисобланган Ҳиндистон терма жамоаси билан беллашди.

Биринчи ва иккинчи тахтада дона сурган Жамшид ва Хуршид Мустафоев рақиблари билан дурангга розилик берган бўлса, Улуғбек Тиллаев Нихил Шямга ютқазди. Лекин Евгений Пак кескин ва муросасиз ўтган партияда рақиби Санжай Нитинни мот қилиб, умумий ҳисобни тенглаштирди – 2:2.

Энди Ўзбекистон терма жамоаси бешинчи турда Австралиянинг энг кучли шахматчиларидан таркиб топган биринчи жамоасига қарши дона суради.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Кўрик-танлов давом этади

Бухоро вилояти

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ – САҲНАДА

Вилоят "Маънавият тарғиботи" марказида бўлиб ўтган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг вилоят босқичида 13 та жамоа ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Қатнашчилар ўз маҳаллалари тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали қуролларни намойиш этдилар. Шунингдек, миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз ўлароқ асрлар оша қадрланиб келинаётган "Келин салом", "Бешик тўйи", "Қозон тўлди" каби миллий маросимларимиз, пичоқсозлик, сартарошлик, мисгарлик каби қадимий ҳунарларнинг саҳна кўринишлари орқали намойиши ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўринга Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номли, 2-ўринга Жондор туманидаги Луқмон номли, 3-ўринга Ғиждувон туманидаги Нодирабегим номли маҳаллалар жамоалари лойиқ деб топилди.

МУХБИРИМИЗ

Навоий вилояти

МОҲИР МАСЛАҲАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

"Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйида ўтказилди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб деб топилган 10 нафар маҳалла маслаҳатчиси иштирок этди.

Маслаҳатчилар фаолияти юзасидан тайёрланган саволларга жавоб қайтариш, шунингдек, ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этишга қаратилган шартлар асосида ўтказилган тадбирда Хатирчи туманидаги Усмон Боиров номли маҳалла маслаҳатчиси Ҳусния Ёрбекова ғолибликка эришиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритган бўлса, Нурота туманидаги Саидота маҳалласи маслаҳатчиси Манзура Ориповага иккинчи, Қизилтепа туманидаги Зарметан маҳалласи ҳамда Навоий шаҳридаги Истиқлол маҳалласи маслаҳатчилари Башорат Ёдгорова ва Гулчеҳра Сафароваларга учинчи ўрин насиб этди.

Кўрик-танловда саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Танлов ғолибларига вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг фахрий ёрлиқ ва совғалари тақдим этилди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА

Тошкент шаҳри

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

БОБОДЕҲҚОН ЁШЛАРИ – БОСҚИЧ ҒОЛИБИ

"Футболимиз келажаги" Республика турнирининг шаҳар босқичига мусобақанинг 15-16 ёшли ўсмир қатнашчилари якун ясаб берди.

Мазкур ёш тоифасидаги футболчилар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда Юнусобод туманидаги Бободеҳқон маҳалласи ёшлари ғолибликни қўлга киритиб, турнирнинг минтақавий босқичида тўп сурадиган бўлди. 2-ўринни Чилонзор туманидаги Нўғайқўрғон маҳалласи, 3-ўринни эса Яккасарой туманидаги Тўқимачи ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги Оқилон маҳалласи футболчилари банд этишди.

Барча иштирокчилар "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Эслатиб ўтамиз, бу йилги турнирда шаҳар бўйича жами 10905 нафар ёш футболчи иштирок этди. Мусобақани юқори савияда ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш учун "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ҳамда ҳомийлар томонидан жами 4,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Р.ШЕРМАНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими мутахассиси.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.A» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

"ЭЛ ИШОНЧИ ЭЪТИРОФГА ЕТАКЛАДИ",

— дейди Тошкентда бўлиб ўтган "Маҳалла куни" тадбирида кўрик-танлов ғолиби сифатида тақдирланганлар

Тошкент шаҳри

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Тошкент шаҳри миқёсида "Энг намунали маҳалла" йўналиши бўйича Учтепа туманидаги Кўкча-Оқтепа маҳалласи, "Энг обод маҳалла" йўналиши бўйича Собир Раҳимов туманидаги Беруний майдони маҳалласи, "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" танловида Мирзо Улуғбек туманидаги Ф.Хўжаев номли маҳалла маслаҳатчиси Муаззам Валиева (олий ўрин), "Энг ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси" йўналиши бўйича Собир Раҳимов туманидаги Ҳазрати Имом номли маҳалладан комиссия раиси Саноат Яҳёева, "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловида Шайхонтоҳур туманидаги Сузук-Ота маҳалласидан Асқар Обидов ҳамда "Энг намунали маҳалла ўнбошиси" йўналишида Ҳамза туманидаги Қўйлиқ-Ота маҳалласидан Лидия Когайлар биринчи ўринларни эгаллашди. Шунингдек, "Энг намунали маҳалла посбони" танловида Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳалла посбони Ғайбулла Шомуродов ғолиб деб топилди.

Тадбирда сўзга чиққан "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ва бошқалар эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида маҳаллаларнинг ҳиссаси ва иштироки беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида эътироф этиб ўтишди.

— Маҳаллада намунали фаолият юритиш учун аввало аҳолининг ишончини қозониш лозим, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги Ф.Хўжаев номли маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаззам Валиева. — Шу боис биз фаолиятимиз давомида фуқароларнинг муаммо ва ташвишларини яқиндан ўрганамиз. Сўнгра йиғин фаоллари билан бамаслаҳат уларга ёрдам кўрсатамиз. Бугун кўрик-танловда ғолиб деб топилиб, шунга амин бўлдимки, демак, янада салмоқлироқ муваффақиятларга эришишимиз учун шу йўналишдаги тадбирларимиз кўламини кенгайтиришимиз лозим.

Эл суйган санъаткорлар ва ёшларнинг чиқишлари, улар ижросидаги куй-қўшиқлар байрамнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлади.

"Маҳалла куни" тадбирлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам юқори савияда ўтди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Марғилон шаҳрида ташкил этилган Маҳалла марказида "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими ходимларининг самарали фаолият олиб боришлари учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, марказ замонавий компьютер техникаси, иш юритишга доир асбоб-ускуналар, янги жиҳозлар билан таъминланган.

Шунингдек, марказда алоҳида мажлислар зали, Маънавият ва маърифат хонаси ҳам мавжуд.

Яқинда марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, "Нуроний" жамғармасининг маҳаллалардаги жамоатчилик марказлари раислари қатнашдилар. Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Хўжаева, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов йиғилганларни янги марказнинг иш бошлагани билан табрикладилар.

МУХБИРИМИЗ

Фарғона вилояти

ВОДИЙ МАРВАРИДИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

БУХОРОнинг „АЪЛО БАХМАЛ"и

марғилонлик уста бу матони 100 йилдан сўнг қайта тиклашга эришди

1870-1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино бугун марғилонлик ҳунармандлар маскани. У ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Хўжа Саид Аҳмад эшон томонидан бунёд этилган.

Пахта тозалаш ва ёғ заводлари эгаси бўлган, ўлкага илғор саноат корхоналарини олиб келиш ишига биринчилардан бўлиб киришган маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, савобли ишга қўл урган ва ушбу бино — мадрасани қурдирган.

Бинонинг 18 та ҳужраси бўлган. Шу ҳудудда мўъжазгина масжид ҳам қурилган.

Узоқ йил қаровсиз қолган ушбу мажмуа 1993 йилда қисман таъмирланиб, шаҳар ҳунармандлари ихтиёрига топширилди. Президентимизнинг "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида эса бу мажмуа тубдан таъмирланди ва миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилди.

Мажмуада шаҳар усталари томонидан яратилган ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан таклиф этилган етмишдан ортиқ ҳунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Машҳур атласчилар сулоласининг тўққизинчи авлод вакили Расулжон Мирзаахмедов 2005 йилда Бухоронинг ноёб "Аъло бахмал" матосини юз йилдан сўнг қайта тиклагани учун Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳунармандлари орасида ЮНЕСКО совринига сазовор бўлган. У ушбу халқаро ташкилотнинг Париждаги қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари юбилейига бағишлаб ўтказилган нуфузли кўргазмада иштирок этди. Икки йилдан буён эса АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида анъанавий халқаро ҳунармандлар кўргазмасида ўзи яратган ва қайтадан тиклаган матолари билан иштирок этмоқда. Р.Мирзаахмедов айни кунда шаҳарда тўқимачилик, гиламчилик, зардўзлик, каштачилик устахоналари очиб, ёшларга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатаётир.

Марғилондаги муҳташам «Маҳалла маркази»

Увайсий уй-музейи

Қирққизлар маҳалласидаги бу маскан марғилонликлар билан гавжум

Шарқнинг машҳур шоираси Жаҳон отин Увайсий ҳам Марғилон фарзандидир. У 1789 йилда шаҳарнинг Чилдухтарон (Қирққизлар) маҳалласида дунёга келган.

Отаси Сиддиқ бобо мумтоз адабиёт мухлиси, ҳаваскор шоир бўлиб, онаси Чиннибиби ўз замонасининг саводли, зиёли аёли сифатида мактабдорлик қилган. Жаҳон отин онаси қўлида савод чиқариб, Жомий, Навоий, Фузулий каби мумтоз шоирларнинг ижодларини синчковлик билан ўрганган.

Шоира Увайсий, Вайсий тахаллуслари билан ижод қилган. У яна бир таниқли ўзбек шоираси Нодирабегимнинг устози эди.

Увайсийнинг 15 минг мисрали ғазалларини ўзида жамлаган "Девон"и, "Шаҳзода Ҳасан" достони ва бошқа асарлари авлодларга мерос қолган.

Шаҳарнинг 2000 йиллиги муносабати билан Увайсий дафн этилган ҳудудда шоиранинг уй-музейи қурилиб, хилхонасида қурилиш-тиклаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

11 гектар майдонда ЁШЛАР ХИЁБОНИ

Катта тўйга ҳозирланаётган шаҳар гўшаларининг ободлиги, муаззамлиги, чиройи кўнгилга сурур бағишлайди. Умумий ер майдони салкам 11 гектарни ташкил этувчи Ёшлар хиёбони фарзандларимиз қалбида шодлик, қувонч, фахр туйғуларини уйғотади.

Болтиқбўйидан, Сурхондарёдан келтирилиб ўтқазилган дарахтлар, ям-яшил майсазорлар, бир-биридан чиройли гулларнинг ифорини айтмайсизми? Хиёбоннинг 5,5 гектар майдони кўкаламзорлаштирилиб, 2,5 минг тупдан ортиқ игнабаргли ва манзарали кўчатлар экилиб парваришлангач, бу гўша мафтункор бўлмасинми? 1400 ўринли амфитеатр, саҳна ортида Марказий Осиёда ягона, баландлиги 15, узунлиги 60 метрлик электронпанно, болалар аттракционлари, катта-кичик чўмилиш ҳавзалари, теннис, шахмат павильонлари, аква боғи... қурилишига 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзиёқ бу хиёбоннинг Марғилон ёшлари учун юбилей арафасида катта туҳфа бўлганидан далолат беради. Дарвоқе, шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган асосий тантаналар ҳам айнан Ёшлар хиёбонида ўтади.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ҳомийлар бор бўлсин!

Тошкент вилояти

"ҲИММАТ учун РАҲМАТ, ЯХШИ ОДАМЛАР!"

маҳалладошлари меҳридан, ҳомийлар саховатидан баҳраманд бўлганларнинг дил сўзлари шундай бўлди

Олмалиқ шаҳрига кириверишда жойлашган шинамгина «Наргиз» чойхонаси яқинда меҳр-оқибат тантана қилган гўшага айланди. Бу ерда Пскент тумани Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Эйвалак қишлоғида истиқомат қилувчи ўн нафар болакайнинг суннат тўйи бўлиб ўтди.

Эйвалакда мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижроси ушбу кичик қишлоқ ҳаётида ҳам ўз аксини топаётир. Эйвалакдаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, ота ёки онасидан айрилган етим болалар учун хайрли иш ташаббуси кўтарилганда, бу тадбирни қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ инсонлар тез топилди. Тумандаги Ойбек номли фермер хўжалиги раҳбари Меҳринисо Жўрабоева, «Намуна» фермерлар уюшмасидан Асқарали Хожибеков, Олмаликдаги «Савдо» МЧЖ раиси Абдумажид Маҳмудов, 45-автокорхона ҲЖ раҳбари Эргаш Азизовлар саховатпешалик қилишди. Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эргаш Абдуллаев, Эйвалак маҳалласи оқсоқоли Фозилбек Исроилов бир неча йиғин фаоллари билан ташкилий ишларни йўлга қўйдилар. Тўй кутилгандан ҳам зиёда ва мазмунли ўтди.

Жажки ака-ука Асадбек ва Авазбек Каримовлар бевақт ўлим туфайли оналаридан жуда эрта айрилишган эди. Тўйболаларга сарполар жуда яраштди.

— Бу йил мактабга бораман, тўйимда менга совға қилишган костюм-шимларни кийиб, мактабдан фақат аъло баҳолар олиб қайтаман, — дейди Асадбек ғурур билан.

Эйвалаклик Дилрабо Ўринбоева ҳам турмуш ўртоғи билан фарзандлари Шаҳзод ва Шерзодбекка янги ҳовлида чиройли тўй қилишни орзу қилиб яшарди. Оила бошчисининг бевақт ўлими туфайли бу орзу армонга айланганди.

— Ўзим ният қилгандан ҳам зиёда ўтди болажонларимнинг тўйи, — дея қувонч ёшларини артади Дилрабо.

Маҳмуджон Абдуллаев ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ҳуқуқ-тартибот тизимида ишлай бошлади. У ўзи туғилиб ўсган Эйвалакка участка нозири этиб тайинланганида ҳамқишлоқлари ниҳоятда қувонишганди. Афсуски, Маҳмуджон Абдуллаев хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ҳалок бўлди. Унинг мардлиги, фидойилиги ҳамиша маҳалладошлари, сафдошлари ёдида. Ушбу тўйда Маҳмуджоннинг Муроджон исмли ўғли ҳам тўйбола сифатида ўйнабяйради. Туман ички ишлар бошқармаси ҳам тўйга ҳомийлик ҳиссасини қўшди.

Мирали Ҳайиталиев ҳожатбарор, миришкор йигитлардан бири эди. Афсуски, автоҳалокат ёш йигитнинг ҳаётига зомин бўлди, икки қиз ва бир ўғил улғаяётган оила боқувчисиз қолди.

— Ҳамқишлоқларимиз бизни тақдир ҳукмига ёлғиз ташлаб қўйишмади. Муроджон ўғлимнинг тўйи бунчалик чиройли ўтганидан жуда хурсандман. Яхши инсонларнинг ҳимматига раҳмат! — дея дил сўзларини изҳор қилди тўйболалардан бирининг онаси Дилноза Ҳайиталиева.

Ҳасан АБДУЛЛАЕВ

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли» мавзусидаги лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Хоразм вилояти

САХОВАТнинг САВОБИ УЛУҒ

Мурувватга муҳтож кишининг кўнглини олмоқ Ҳаж зиёратига тенг, деб бежизга айтишмаган. Айниқса, боқувчисини йўқотган, руҳий хасталикка чалинган якка-ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олиш хайрли ишлар ичида энг улуғи саналади.

Муассасамизда 150 нафардан зиёд меҳр-мурувватга муҳтож инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит, имкониятлар яратилган. Жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишини инсонпарварлик сиёсатининг асл намунаси, деб биламан. Яқинда муассасамиз қайта таъмирланиб, янгидан жиҳозланди. Бизга мурувват кўрсатаётган саховатли инсонлар сафи кенгаймоқда. Жумладан, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими томонидан бир миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят ва туман ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам ўз ёрдамини аямаяпти. Шунингдек, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари вилоят бўлимлари, Урганч шаҳридаги академик лицей маъмурияти, "Laxisam" МЧЖ, Хива туманидаги "Қишлоқўжаликкимё" корхонаси, "Урганчёғ", "Жанубгазқурилиш", "Урганчтрансгаз" ҳиссадорлик жамиятлари ҳам ўзларининг ҳомийлик ёрдамини кўрсатмоқда. "Экосан" халқаро жамғармаси томонидан масканимизга 6 миллион сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон маҳсулотлари етказиб берилди.

Яқинда Урганч шаҳрининг 13-маҳалласидан бир гуруҳ фаоллар ташриф буюриб, муҳтожларга совғасаломлар улашдилар. Доимо қўлларидан келганича кўмак кўрсатиб келаётган М.Собиров, Р.Оллаберганов, Х.Жуманиёзов каби саховатпеша ҳомийлардан ҳам миннатдормиз.

Олимбой ИБРОҲИМОВ,
вилоят "Мурувват уйи" директори.

Истиқлол иншоотлари

Андижон вилояти

Қўрғонтепа туманидаги чекка қишлоқлардан бири — Муқур аҳолиси вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси хизматидан баҳраманд эмасди. Шу боис, Дардоқ савдо ишлаб чиқариш жамияти қишлоқ ҳудудида замонавий дўкон, яъни минимаркет қуришни режалаштирган эди. Аммо матлуботчилар қишлоққа келиб, қурилишни бошлаш учун ҳаракатга киришганларида бир муаммо кўндаланг бўлди. Дўкон аҳолига қулай бўлиши учун қишлоқ марказига қурилиши керак, лекин бунинг учун бўш ер майдони йўқ эди.

БИР ДЎКОНДА 100 турфа маҳсулот

улар ҳам сифатли, ҳам арзон

Шунда маҳалла кайвониларидан бири Султонбой Рисов:

— Бу дўкон халққа хизмат қилиши, одамларга қулай жойда жойлашиши лозим. Болаларим, ер ҳақида қайғурманглар, — дея, ўз ҳовлиси этагидан дўкон қуриш учун жой ажратиб берди.

Султонбой отанинг ҳовлиси қишлоқнинг марказида жойлашганлиги сабабли бу таклиф барчага маъқул келди. Бир ой ичида ғишт, алюмин ва пластик хомашёсидан чиройли бино қад ростлади. Аввалари туман марказидан йўлкира ва вақт сарфлаб олиб келинган ун, пахта ёғи, совун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, эндиликда анча арзон нархларда шу ернинг ўзида сотила бошлади. "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятининг мазкур минимаркетида юздан ортиқ турдаги истеъмол маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда. Бу ерда нарх-наво ҳам бозордагига нисбатан анча арзон, маҳсулотлар сифати эса кафолатланган.

Таъкидлаш жоизки, бундай замонавий қулайликлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам яратиляпти. Хусусан, ўтган ярим йил давомида "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси томонидан вилоят маҳаллаларида ўн иккита минимаркет, ўн битта савдо дўкони, юз ўринга мўлжалланган қаҳвахона ва новвойхона фойдаланишга топширилди. Албатта, янги дўконлар ва корхоналарнинг ишга тушиши билан аҳолига кўрсатилаётган савдо хизматининг турлари кўпайди, қулами кенгайди. Энг асосийси, ана шу янги хизмат кўрсатиш шахобчаларида 52 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Вилоятда кўплаб савдо дўконларини, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этиш билан, биринчидан, фаолиятимизни тубдан яхшилаётган бўлсак, иккинчидан, ишсизлик муаммосини бартараф этишга ҳисса қўшмоқдамиз, — дейди "Вилоятсавдо" акциядорлик компанияси раиси Қаҳрамонжон Мажидов.

Яқинда Қўрғонтепа, Жалақудуқ, Хўжаобод, Булоқбоши ва Марҳамат туманларида ҳам ўн тўққизта минимаркет, озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш корхоналари ва ишлаб чиқариш цехлари фаолият бошлади. Натижада яна йигирма нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Янги савдо дўконлари замонавий технологиялар ҳамда халқаро талаблар асосида аҳолига хизмат кўрсатади. Вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси томонидан Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида яна бир қатор савдо корхоналарини замонавий технология ва ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қашқадарё вилояти

«СЕРҲИММАТ ТАДБИРКОР»дан МУЗҚАЙМОҚ

Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси саъй-ҳаракати билан воҳадаги тадбиркорлик субъектлари замонавий асбоб-ускуналар, минитехнологиялар билан бойимоқда. Бу нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижликларга ҳам манзур бўладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Яқинда Хитойнинг Синцян — Уйғур автоном туманидан Қарши шаҳрига умумий қиймати 30543 АҚШ долларига тенг технологик асбоб-ускуналар келтирилди. Бу Қарши тажриба таъмирлаш-механика заводи фаолиятини кенгайтириш ва модернизациялаш имконини беради. Натижада мебель жиҳозлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Бундан ташқари, Яккабоғ туманидаги "Исломов Шоймардон боғи" ҳамда Эшбобоев Элмурод номли фермер хўжаликлари, "Нур-Мансур" хусусий корхонаси ишини такомиллаштириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва иккиламчи хомашёни қайта ишлаш дастгоҳлари, АЁҚШ ускуналари, Чироқчи туманидаги "Серҳиммат тадбиркор" корхонасида музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳам олинди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қарши шаҳридаги "Дунё технологиялари" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда воҳада фаолият кўрсатаётган 110 нафар тадбиркор учун бизнес-сафарга чиқиш имконияти яратилди. Бунинг натижасида хитойлик саноатчилар билан 37 та шартнома тузилиб, уларнинг умумий миқдори бир миллион АҚШ долларидан ошди. Урумчига борган Қарши шаҳри ҳамда Яккабоғ, Шаҳрисабз туманлари тадбиркорлари ғишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган юқори қувватли технологик линиялар харид қилиш бўйича йирик шартномалар тузишди.

Ҳозирданоқ 2007 йил давомида тузилган шартномалардан 11 таси тўлиқ амалга оширилиб, олиб келинган технологиялар воҳа саноати ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга ҳисса қўша бошлади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

16

Наманган вилояти

ПЕШҚЎРҒОНнинг "ҚЎШБУЛОҒ"и

Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғи маркази янада чирой очди. Сабаби, ҳудудда Қўшбулоқ деб номланган янги гузар барпо этилди. Мажмуадан кенг ва шинам чойхона, новвойхона ҳамда савдо расталари ўрин олган. Ҳозирда тўй-тантаналар ҳам шу ерда ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳлига қулайлик туғдирмоқда.

"Балиқчи кўл" ва "Сутли булоқ" зиёратгоҳлари Пешқўрғон ҳудуди яқинида жойлашган. Шу боис, зиёратгоҳга келиб-кетувчилар қишлоқ гузарида меҳмон бўлишмоқда. Одамларни эртаю кеч бағрига чорлаётган ушбу масканни бунёд этишда "Сатим саркор Азиз" фермер хўжалиги раҳбари Зокиржон Холмирзаев ҳиммат кўрсатди. Унинг бундай хайрли ишидан ҳамқишлоқлари мамнун бўлишди.

Содиқ САЙҲУН

Хоразм вилояти

Дилдаги ИФТИХОР туйғуси билакка куч бермоқда

Истиқлол байрами арафасида бунёдкорлик кайфияти ҳар бир юртдошимиз қалбида жўш урмоқда

Қадим Хоразм воҳаси маркази Урганч шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланадиган кунгача шаҳарда Марказий майдон мажмуаси қурилишини тўла-тўкис тугаллаш мақсадида бунёдкор усталар барча имкониятлардан фойдаланиб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Қурилиш лойиҳаси кўлами 6 миллиард 274 миллион 620 минг сўмга тенг. Бош пудратчи —"Хоразмавтойўл" корхонаси. Ўндан ошиқ қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари ушбу улкан бунёдкорлик ишига муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда. Қалбида хайрли ишга дахлдор бўлиш ҳиссини туйган маҳалладошлар ҳашар уюштириб, ўзларининг холис ниятларини шу орқали намоён этишмоқда.

Мажмуа марказида буюк аждодларимиздан бири, математика илми дарғаси сифатида бутун дунё тан олган улуғ олим Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ҳайкали қад ростлайди. Баландлиги 6 метрдан иборат салобатли ҳайкал алломанинг сиймосини тўлақонли акс эттирган, гўё у қўлини кўксига қўйганича қадимий Урганч меҳмонларига пешвоз чиқаётгандек. Ҳайкалтарош Улуғбек Мардиев игна билан қудуқ қазиш баробаридаги заҳматли меҳнати билан ал-Хоразмий сиймосидаги мангуликка дахлдор шахсга хос салоҳиятни ифода эта олган. Ҳайкал пойи, устунларига мармардан сайқал берилмоқда.

Лойиҳага кўра, мажмуага кираверишда баландлиги 39 метрдан иборат курант-соат тапораси ўрнатилиши кўзда тутилган. Бунинг учун Тошкентдаги 2-қурилиш ҳиссадорлик жамоаси қурувчилари Урганчга махсус таклиф этилган. Бу соат узоқдан кўзга ташланиб, вақтнинг ғаниматлигини, унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш зарурлигини эслатувчи, яхшилик ва бунёдкорликка чорловчи замонавий обидага айланиши, шубҳасиз.

Шунингдек, мажмуага кираверишдаги чиройли арк ва айланаси 21 метрли катта фавворани "Жанубгазқурилиш" трести қурувчилари бунёд этишмоқда. Ушбу марказий фавворага туташ ҳолда яна олтита фаввора қуриляпти. Мажмуа бўйлаб йўлакчалар, гузарлар яратиляпти. Огаҳий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри, "Меҳнат биржаси" бинолари қайтадан таъмирланмоқда. "Саноатқурилишбанк" биноси янгитдан, замонавий қиёфада қад ростламоқда.

Улкан бунёдкорлик ишларида тошкентлик, самарқандлик, бухоролик бунёдкор усталар, моҳир қурувчилар билакда куч, дилда фахр билан жонбозлик кўрсатмоқдаларки, ушбу мажмуанинг Урганч қиёфасини юз чандон гўзаллаштириб, келажак авлодлар учун ажойиб туҳфа бўлишига шубҳа йўқ.

Абдулла САФОЕВ

СУРАТЛАРДА: *Урганч шаҳридаги улкан бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.*
Қадамбой ОТАЕВ олган суратлар.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

Самарқанд вилояти

МОЗИЙ ВА ИСТИҚЛОЛ ЮЗЛАШГАН ШАҲАР

қўшалоқ шодиёналар арафасида қайта чирой очмоқда

Қутлуғ юбилей санасини, "Шарқ тароналари" анъанавий VI мусиқа фестивали ҳамда Истиқлолимизнинг 16 йиллик шодиёналарини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўраётган Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари авжида.



Юбилей иншоотлари қурилиши штаби амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламидан келиб чиққан ҳолда юбилейга тайёргарлик кўриш ойлигини эълон қилди. Тантана кунларигача бажарилиши зарур бўлган ишлар уч босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Биринчи босқичда 20 дан зиёд, иккинчи босқичда эса 30 га яқин маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди. Айни пайтда учинчи босқичда кўзда тутилган ишлар ниҳоясига етказиляпти.

Яқинда қурилиши тугалланган кичик айланма халқа йўли шаҳарнинг транспорт қатновида кўплаб қулайликлар яратади. Илгари кўн-тери корхонасига қарашли бўлган майдондан Улуғбек расадхонасига олиб чиқадиган янги йўл ишга туширилиб, унинг ёнидан Оби Машҳад канали ўтказилди. Жорий йилда кўчалар четига 50 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. ЮНЕСКОнинг Самарқандда ўтказилган конференциясида йўллар хусусида маъруза ўқилгани ҳам шаҳарда йўл қурилишига алоҳида аҳамият қаратилаётганини тасдиқлайди. Шунингдек, ушбу конференцияда Афросиёбни очиқ осмон остидаги музейга айлантириш ва сайёҳлик йўналишини очиш режалаштирилди.

Айни пайтда шаҳарнинг Сўғдиёна даҳаси ҳудудидаги "SOS-Болалар шаҳарчаси"даги 6 та коттежда қаровчиси бўлмаган болалар истиқомат қиляпти. Яна 9 та коттеж болаларни қабул қилишга тайёр турибди.

Самарқанд Давлат университети базасида ташкил этилган юбилей илмий кенгаши томонидан "Самарқанд шаҳрининг умумбашарий-маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни", "Ўзбек давлатчилиги тарихи" мавзуларида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Анжуманлар қимматли илмий янгилик ва хулосаларга бойлиги билан жаҳон илм аҳли эътирофига сазовор бўлди. Кўҳна шаҳар тарихи даврлаштирилган ҳолда қайта ёзилиб, "Самарқанд кутубхонаси" серияси остида чоп этилди. "Самарқанд энциклопедияси" ва икки жилдлик "Самарқанд тарихи" китоби ҳам тўлдирилган ҳолда нашрдан чиқди.

Шаҳар Маънавият тарғибот маркази томонидан таниқли олимлар, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар иштирокида маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида "Самарқанд — ер юзининг сайқали" мавзусида мулоқот ва бадиий кечалар, ўқувчи ва талабалар учун кўрик-танловлар ташкил этиляпти.

«Сиёб» деҳқон бозорида қуриб фойдаланишга топширилган «Шодиёна» савдо мажмуаси кўриниши.

Маълумки, машҳур тарихий шаҳарлар ўз рамзларига эга. Она шер ва қуёш тасвири азал-азалдан Самарқанд рамзи бўлиб келган. Анъаналардан келиб чиқиб, юбилей эмблемасида ҳам ана шу икки тасвир акс эттирилди. Юбилей муносабати билан кўкрак нишонлари ва бошқа турли рамзлар, эсдалик совғалари тайёрланди.

Шаҳарда жамоат транспорти қатновини яхшилаш мақсадида қўшимча 150 та автобусни йўналишга чиқариш мўлжалланяпти. Мустақиллик байрамига қадар уларнинг сони яна 100 тага кўпаяди. Бекатлар таъмирланиб, йўловчиларга кўплаб қулайликлар яратилди.

Шу пайтга қадар шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашда қатор муаммолар мавжуд эди. Жаҳон банки билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида бу муаммо узил-кесил барҳам топадиган бўлди.

Ҳа, бугун рўйи замин сайқали саналмиш Самарқандда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бунёд этилаётган кўркам бинолар, хизмат кўрсатиш шахобчалари, бозор ва меҳмонхоналар, гузар, дам олиш ва ўқув масканлари кўҳна шаҳарнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Ҳабиб РАҲМАТУЛЛАЕВ,
"Нуроний" жамғармаси
Самарқанд шаҳар бўлими раиси.

Фаолиятда фаол йиғинлар

Фарғона вилояти

ГУЗАРЛИ МАҲАЛЛА БАРЧАДАН ЎЗДИ

Йиғин раиси ва ходимлари ташаббускор, изланувчан бўлса, ҳудудда ибратли ишлар қўпайишини Данғара туманидаги Янги қишлоқ маҳалласи мисолида яққол кўриш мумкин. Ушбу йиғин тумандаги 50 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида энг намуналиси дея эътироф этилди.

Маҳалла оқсоқоли Расулжон Қодиров, котиба Мавжуда Абдуллаева, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Санобархон Эргашева, маҳалладаги "Нуроний" жамоатчилик маркази раиси Абдумалик Сотиболдиев ва бошқа фаолларнинг тиниб-тинчимаслиги натижасида фуқаролар йиғини марказида замонавий маҳалла гузари бунёд этилди.

Гузардан жой олган ўттизга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларида барча турдаги кундалик эҳтиёж молларини топиш мумкин. Шу боис бу гузар "Энг обод маҳалла гузари" кўрик-танловининг туман босқичида биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан йил бошидан буён якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга маҳалла ва ҳомийлар томонидан 1,5 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Нодирахон Зокирова, Зафаржон Қўзиев, Равшан Мамажонов ва Рашид Мамажоновларнинг оилаларига ҳомийлар томонидан бир бошдан қорамол олиб берилди. Хайрихон Йўлдошева ва Мастура Тожиеваларнинг ҳар бирига икки хонали турар-жойлар қуриб берилди. Беморлар ҳолидан тез-тез хабар олиниб, уларга озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотлари олиб берилишида ҳам йиғин ходимлари ва саховатпеша маҳалладошларнинг ҳиссаси катта.

Маҳалла ҳудудидаги мавжуд 17 та кўчанинг ҳар бирига кўчабошилар тайинланган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан тўй-ҳашам ва маъракалар камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказиляпти. Маҳаллада тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Улар оммавий байрамларни ўтказишда, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида, шунингдек, етимесирлар, ногирон ва беморларга ёрдам кўрсатишда беминнат кўмагини аяшмаяпти. Бу борада Мўйдинжон Аҳмедов, Равшан Шамсиддинов, Умаржон Қўзиев, Адҳам Саидов сингари тадбиркор ва фермерлар ташаббуси, айниқса ибратлидир.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилояти

Маҳаллада нима ган?

ШЎРСОЙнинг БИР МУАММОСИ

Амалга ошмай қолаётган лойиҳа бу муаммони бартараф этишга қаратилган

Шўрсой — Бойсун шаҳридаги йирик маҳаллалардан бири. Унинг ҳудудида Наврўз қишлоғининг бир қисми, Тоба, Оқтупроқ, Шўрсой қишлоқлари, Олмазор ва Чуқуртоба гузарлари бор.

— Мустақиллик йилларида маҳалладошларимизнинг турмуш фаровонлиги анча юксалди. Қишлоқ ва гузарларимизнинг 95 фоизи газлаштирилган. Айниқса, "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темирйўлининг туманимиз ҳудудидан ўтиши барчамизни хурсанд қилди. Кейинги уч йил ичида элликдан зиёд ёш оилалар янги уйларга кўчиб ўтишди. Айни пайтда маҳалламиздаги тадбиркор ва ишбилармонлар сони ўн беш нафарга етди. Аҳолини иш билан таъминлашда уларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Олти нафар тадбиркор ўз иссиқхоналарида ўттизга яқин кишини иш билан таъминлади. Ҳудудимизда учта кичик корхона, тегирмон, мойжувоз, дўкон, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Маҳалладошларимиз ҳалол меҳнатлари эвазига топаётган даромадларини эзгу ишларга сарфламоқдалар, — дейди йиғин раиси Салим Муродов.

Маҳалладаги хайрли ишлар тадбиркор ва ҳомийлар кўмагида, маҳалла — оила — мактаб ҳамкорлиги асосида олиб борилаётганлиги муваффақиятлар калити бўлмоқда. Кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож саккизта оилага ҳомийлар ҳисобидан қорамол олиб берилди. Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, доимий даволанишга муҳтож беморлар, боқувчисини йўқотган оилалар, яккаёлғиз кексалар ҳам эътибор ва ғамхўрликдан четда қолишмаяпти. Яқинда элликдан ортиқ кексалар юртимизнинг зиёратгоҳ гўшаларига саёҳат қилиб қайтдилар. Турли тадбир ва байрамларни ўтказишда Ёқуб Тўрақулов, Пиримқул Орипов, Хайрулла Ўринов каби тадбиркорлар яқиндан ёрдам бермоқда. Ёқуб Тўрақулов бошчилигидаги ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган мебеллари билан "Ташаббус" кўрик-танловида қатнашиб, туман ва вилоят босқичида ғолиб бўлишди.

Шўрсойда ободончиликка ҳам катта аҳамият қаратилади. Ҳомийлар ва жамоатчилик кўмагида Шўрсой, Тоба, Наврўз қабристонлари тартибга келтирилди; атрофи девор ва панжаралар билан ўралиб, дарахтлар экилди. Кўчаларга асфальт ва шағал ётқизиш ишлари давом этмоқда.

— Маҳалламизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Ботир Холиёров. — Аҳолининг учдан бир қисми тоза ичимлик суви билан таъминланган, холос. Мана, бир неча йилдирки, Хўжамайхона сув ҳавзасидан Бойсун марказига қувур тортиш лойиҳаси қоғозда қолиб кетмоқда. Агар мазкур лойиҳа амалга оширилса, нафақат ҳудудимиз, балки шаҳар атрофидаги бошқа маҳаллаларда ҳам оби ҳаёт таъминоти билан боғлиқ муаммо бартараф этилар эди. Албатта, бу ишда юқори ташкилотларнинг бевосита ёрдами зарур.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Йиғинда комиссиялар фаолияти

Бухоро вилояти

ҲАМЖИҲАТЛИК ИШГА ЭШ БЎЛСА...

маҳаллаларимиз тинч ва осойишта, обод ва кўркам бўлади

Бухоро шаҳридаги Имом ал-Бухорий номли маҳалла ўз ҳудудида тарихий обидаларнинг кўплиги билан шаҳардаги бошқа маҳаллалардан ажралиб туради.

Бу ерга келувчи сайёҳлар тарихий зиёратгоҳларни томоша қилиш билан бирга маҳалла аҳолисининг турмуш тарзи ва яшаш шароити билан қизиқишади. Шунинг учун маҳаллада доимий равишда тозалик, ободончилик ва осойишталик, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзини таъминлаш талаб этилади. Маҳалла мутасаддилари ва фаоллари ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш олиб боришмоқда. Жумладан, маҳалла ҳузуридаги Яраштириш комиссиясининг фаолияти ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Комиссия аъзолари беш кишидан — ҳуқуқий ва диний билимлар ҳамда катта ҳаётий тажрибага эга фаол фуқаролардан иборат.

— Содда қилиб айтсам, комиссиямиз аъзолари билан "Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган яхши", деган нақлга амал қиламиз, — дейди комиссия раиси Ахрор Турсунов. — Шу сабабдан бўлса керак, кейинги икки йил давомида маҳалла ҳудудида жиноятчилик, оилавий ажрим ёки жанжаллашиш ҳолатлари қайд этилмади. Лекин маҳалламизда спиртли ичимликка ружу қўйган кимсалар, тўй-ҳашамларни ўзлари хоҳлаганча дабдаба билан ўтказишга ҳаракат қиладиган фуқаролар йўқ деб бўлмайди.

Яраштириш комиссияси зарур ҳолларда вилоят Адлия ва Ички ишлар бошқармаси, шаҳардаги 1-сон нотариал идораси, Масжиди Калон, Хўжа Зайниддин, Тагманбафоп жомеъ масжидлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.



СУРАТЛАРДА: *«ЧинозНУР»нинг моҳир чироқ усталари Азимжон Абдураҳмонов (ўнгда) ва Мўминжон Йўлдошев; янги русумдаги ёритгичлар ўрнатилган Чиноз кўчаларидан бири.*

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тошкент вилояти

«ЧинозНУР» НУРАФШОН ҚИЛГАН КЎЧАЛАР

«ЧинозНУР» истиқлол йилларида ташкил этилган, бозор иқтисодиётига хос бўлган рақобатчилик шароитида фаолият юритиб, ривожланиб бораётган корхоналардан биридир. Чиноз-ликларнинг йўлини нурафшон этиш борасида айни кунгача анча салмоқли ишлар амалга оширилди, жумладан, туман кўчаларига ўрнатилган устунларнинг 1802 тасига замонавий ёритгичлар ўрнатилди. Эндиликда кечки соатларда Чиноз кўчаларида ҳаракатланувчи автомашиналарнинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам йўллари ёруғ, энг муҳими, бехатар бўлмоқда.

Олам турфа

ҒАЛАТИ ТОМОША

Голландияликлар йилда бир марта — гўёки XVIII асрнинг ўрталарига қайтиб, ғалати томошанинг гувоҳи бўлишади: ҳаваскор фигурали учувчилар тунука қадалган ёғоч конькиларда учиб, томоша кўрсатишади. Темир тунука қопланган конькида сирпаниш одати Россияда ҳам бўлган. Ундан илгарироқ эса Шимол одамлари муз қопланган дарё узра олис йўлга отланишганда пойафзал остига ҳайвон суяги ёки моржнинг қозиқ тишини чандиб боғлашган.

КЎЗГУНИНГ СИРИ

Қадимда одамлар ойнага симобли қалай, алюминий ва бошқа металлар аралашмасидан тайёрланган юпқа парда қоплаш мумкинлигини билиб олишган. Шиша кўзгу ишлаб чиқариш анча пайтгача сир сақланган. Венециялик бир нечта уста шишали кўзгу тайёрлаш сирини французларга айтиб қўйишган ва бу "оғиз бўшлиги" туфайли улар қатл этилган.

ШЛЯПАДАГИ КЎЗОЙНАК

Кўзойнак XIII асрда Италияда ихтиро қилинган. Уни одатда қўлда кўтариб юришган ва камдан-кам ҳолларда кўзга тутишган: у кўзойнак моноколь — узун бандга ўрнатилган якка шишача эди. Кейинчалик иккита шишали, иккита бандли кўзойнаклар ясалган. Бора-бора уларнинг бандлари йўқолиб, кўзойнак шляпага бириктирилган; сўнг чеккага қистириб қўйиладиган қайишли кўзойнак яратилган. Лекин энг қулайи қулоққа тақиладиган кўзойнак бўлган.

ФОНУСЛАР "КЎЧАГА ЧИҚҚАН"

Парижликлар оқшом чоғлари ёғчироқларини ёқиб, уйларининг биринчи қават деразаси олдига қўйишган. Сўнг фонуслар уйдан "кўчага чиққан". Масалан, XVII аср бошларида Москвада қуёш ботгач, кўчада чироқсиз юриш ман этилган. Моҳир ҳунармандлар ясаган слюда (шаффоф минерал) ойнали фонусларни ҳозир музейларда учратиш мумкин.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ тайёрлади.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ЭЪТИРОЗИМ ЎРИНЛИМИ?

Иш қидираётган киши сифатида ҳудудимиздаги меҳнат органида рўйхатдан ўтган эдим. Улар менга икки марта вақтинчалик ишни таклиф қилишди. Аммо мазкур жойларда ишлагим келмагани учун уларга рози бўлмадим. Натижада, меҳнат органи мени иш қидираётганлар рўйхатидан ўчириб, бир ойдан сўнг қайта мурожаат қилишим мумкинлигини айтди. Эътирозимга жавобан улар қонунда шундай белгилаб қўйилгани ва бу вақт давомида ишсизлик нафақаси ҳам тўланмаслигини эслатишди. Ҳақиқатдан ҳам қонунда шундай қайд этилганми?

Жавоб:

ИШ МАҚБУЛ ДЕБ ТОПИЛМАСА...

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 62-моддасига кўра, маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ўн кун ичида ўзларига таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар иш қидираётган деб эътироф этилмайди ва таклиф қилинган ишни рад этган пайтдан бошлаб ўттиз календарь кун ўтгандан кейингина ишсиз сифатида такроран рўйхатга олиниш ҳуқуқига эгадир.

Аммо ушбу кодекснинг 63-моддасига мувофиқ, агар иш: яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса, таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатидан қулай бўлмаса; таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса; ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса, бундай иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар!

ОТАГА ОТИЛГАН ТОШ

Ўз вақтида берилмаган тарбия туфайли чекилган надомат тошнинг зарбидан ҳам оғир бўлди

Муқаддас ҳадиси шарифларимизнинг бирида: "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди" дейилади. Албатта, ҳар қайси ота фарзандининг камолини кўришни истайди. Аммо не-не орзу-умидлар билан ўстирган фарзанди туфайли боши ҳам бўлаётган оталарни ҳам, афсуски, учратиш мумкин.

Отабек Эрназарбеков ҳаётининг ўттиз йилини ортда қолдирган бўлишига қарамай, на жамиятда, на оилада ўз ўрнини топди. Кўпчилик бу ёшда гулдек оиланинг устуни бўлишга, масъулиятли касб ёки ҳунар бошини тутиб, катта-катта ишларни амалга оширишга улгуради. Аммо Отабек тўрт марта суднинг қора курсисига ўтиришга улгурди, холос. Шу ёшга кириб бирон жойда ёлчитиб ишламади ҳам. Унинг ножоиз қадам босишидан юрак олдириб қўйган ота эса нима қилишини билмай боши қотган.

Одатдагидек оғайнилари билан кунни кеч қилиб қайтган Отабекдан отаси қаердан келаётганини сўради.

— Яна терговингизни бошладингизми, бобой? Оғайнимникидан келяпман...

— Қайси оғайнингникидан? Яна эски улфатларингни топиб олдингми?

— Ҳадеб тергайвериб жонга тегдингизку! Тинч қўясизми, йўқми?!

Ўз пушти камаридан бўлган фарзандининг ўшқириши отага оғир ботди, чидолмади — ўғлини бўралатиб сўкди. Аччиқ-аччиқ гаплардан кўзига қон тўлган Отабек отасининг юзига тарсаки тортиб юборди. Кучли зарбдан қалқиб кетган ота мувозанатини сақлолмай ерга йиқилди. Ишдан қайтаётиб яқинларидан хабар олиш учун кирган Марғуба ота-боланинг жанжали устидан чиқди. Акасининг қилмишидан фиғони кўкка ўрлаган қиз отасини суяб турғизмоқчи бўлар экан:

— Нега отамга қўл кўтарасиз? Қанақа фарзандсиз ўзи?! Сизнинг дастингиздан бу хонадондагилар жондан тўйиб кетишдику!.. — деди.

Отабек синглисининг таъна-дашномларига қўл силтаганча дарвоза томон йўналди.

— Сендек фарзанд ўстиргунча ит ўстирсам бўлмасмиди. Юзинг қаро бўлсин! — деди ота унинг ортидан аламдан титраганча.

Бу гап ҳали ғазаб отидан тушмаган ўғилни баттар алангалатиб юборди — ерда ётган тошни олиб, жаҳл билан отаси томон улоқтирди. Ўқдек учиб келган тош отанинг бурнига тегди. Отанинг юзи бир зумда қип-қизил қонига беланди.

Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг очиқ мажлисида кўриб чиқилиб, айбдор тегишли жазосини олди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол: ўзига тўқ, обрў-эътиборли бир қўшнимиз бўларди. Уч қиздан сўнг тилаб-тилаб топган ўғлини еру кўкка ишонмай, оғзидан чиққанини муҳайё қилиб ўстирди. Ота доим ишда, сафарда бўлгани боис фарзандлари тарбияси билан шуғулланолмас, она эса соддагина, кўнгли бўш аёл эди. Ёлғиз ўғил ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, бебош бўлиб ўсаверди. Биров унинг мушугини "пишт" дея олмасди. Ўқиши ёки хулқидан шикоят қилган ўқитувчилар эса отадан: "Бола-да, эркалик қилади. Ўзим ҳам ёшлигимда шунақа эдим. Мана энди худога шукр, эл устида юрибмиз. Ўқишига келсак... Ҳа энди, катта бўлса, ёнимда олиб юраман, иш ўргатаман. Уддабурон бўлса бўлди, у ёғини эплаб кетади, ташвиш тортманг" қабилидаги жавобни эшитарди. Турмушга узатган икки қизи уйга қайтиб келиб, анча шаҳди синган ота кичкина қизининг нотаниш йигит билан қочиб кетганини кўтара олмади, ётиб қолди. Ётиб еганга тоғ чидамас экан, рўзғордан барака кетди. Катта пул сарфлаб ўрганган ўғил эса ўғирликка қўл урди. Туриш-турмуши шубҳали, гапию иши бетайин кимсалар ўғилнинг доимий ҳамтовоғига айланди. Хавотирланган ота ўғилдан жавоб талаб қилди. Катта жанжалдан сўнг ота зора жазосини олиб, қамоқдан ақли кириб қайтса, дея милицияга хабар берди. Лекин кўз олдида ўғлини қўлида кишан билан олиб кетишаётганини кўриб, хушини йўқотди. Уч кун ҳушсиз ётгач, қазо қилди. Айтишларича, авф қилиниб, қамоқдан қайтган ўғил ҳеч қанча ўтмай яна жиноят устида қўлга тушибди...

Дунёда инсон учун ота-онасидан яқинроқ киши, содиқроқ дўст бўлмаса керак. Уларнинг фарзандларига нисбатан меҳру муҳаббатига ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмайди. Ёлғиз уларгина қилган гуноҳи ёки жиноятини учун ҳамма юз ўгирган фарзандини ҳам кечиришга қодирлар. Бунга суд залида ўтирганлар яна бир карра ишонч ҳосил қилишди — кўрсатма бераётган жабрдийда ота ўғлига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён қилди. Ўйланиб қоласиз, балки бу билан ота барча кўргиликларда ўзининг ҳам айбдорлигини, фарзанд тарбияси аталмиш масъулиятли ишнинг қайсидир жойида янглишганини тан олмадимикан?

Акмал МИРЗАХОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди масъул ходими.

Бухоро вилояти

"ШАШМАҚОМ"нинг ВАТАНИ

Бухоро нафақат ўзининг тарихий обидалари, балки кўнгилларга ором бахш этувчи санъати билан ҳам машҳурдир. Биргина шарқ мусиқа санъатининг гултожи ҳисобланган "Шашмақом"нинг айнан Бухорода вужудга келганлиги фикримиз далилидир.

Бугунги кунда ҳам бухоролик ёшлар ўртасида миллий мусиқа ва халқ чолғу асбоблари, мақом ижрочилиги билан шуғулланаётганлар талайгина. Бухоро санъат коллежи ана шундай иқтидорли ёшлар маҳоратини ошириб, уларга миллий маданиятимиз ва санъатимиз йўналишида чуқур таълим бериб келаётган илм даргоҳидир. Айни кунда бу ерда анъанавий хонандалик ва ижрочилик, торли чолғулар, хор дирижерлиги, миллий эстрада ва хонандалик каби 13 йўналиш бўйича таълим берилмоқда.

Яқинда пойтахтимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочилари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда ушбу билим юрти талабалари 6 та йўналиш бўйича биринчи ўринни қўлга киритдилар. Назокат Нарзиева, Илҳом Исмоилов, Гулчеҳра Ҳасанова, Маржон Ашрапов, Рустам Абдиев ва Ёқуб Ғойиповлар танловнинг биринчи даражали дипломи билан тақдирланиб, имтиёзли равишда олий ўқув юртларининг талабаси бўлиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Қадимий кентлар тарихи

САЙҲУН ЁҚАСИДАГИ АХСИКАТ

У Фарғона водийсининг пойтахти, қадимий Мовароуннаҳрнинг энг хушманзара жойларидан бири бўлган

Қадимий Ахсикат шаҳри харобаси Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғи ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Тарихий маълумотларнинг шоҳидлик беришича, Ахсикат шаҳри милоддан аввалги III-II асрларда вужудга келган. IX-X асрларда Фарғона водийсининг пойтахти бўлган. 1219 йили шаҳар мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган ва қайта тиклан-маган.

Ахсикат тарихи ҳақида IX-X асрларда яшаган араб сайёҳлари ва географ олимлари қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Жумладан, ал-Истаҳрий, Мақдисийларнинг берган маълумотларига кўра, Ахсикат Фарғона водийсининг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлган.

Машҳур сайёҳ Ёқут Ҳамавий (1179-1229 йиллар) ўзининг "Мўжам ал-булдон" номли асарида "Ахсикат Фарғона томонда бир улуғ шаҳар бўлиб, Сайҳун (Сирдарё) дарёсининг ёқасидаги текис ерда, гўзал водийда жойлашган. Дарёнинг шимолий томонидаги тоғлар билан Ахсикат орасидаги масофа бир фарсах, яъни 6-7 километрни ташкил этади, унинг уч фарсахга яқини қўрғондир, атрофларида аҳоли зич яшайдиган жойлар мавжуд. Пахса лойдан қурилган баланд иморатлари кўп, улар ғоят мустаҳкам, қурилишлари ҳали ҳам давом этмоқда. Шаҳар ва қўрғон атрофларида оқар сувлар кўп, ҳовузлар мавжуд. Қўрғонда боғ-роғлар бор. Катта бозор Шаҳристон ҳудудида жойлашган. Ахсикат Мовароуннаҳрнинг жаннатдай энг хушманзара жойларидан биридир", деб ёзади.

XII аср охири XIII аср ўрталарида яшаб ўтган географ ва тарихчи олим Муҳаммад Нажиб ал-Бакрон ўзининг "Жаҳоннома" асарида "Фарғона Мовароуннаҳр ҳудудидаги вилоят, унинг пойтахт шаҳри Ахсикат деб аталади, ниҳоятда хушҳаво жой" деб, таърифлайди. Ахсикат диёрида дунёга келган шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг "Бобурнома"сида шаҳарнинг ўтмиш тарихига доир маълумотларни келтиради.

Ахсикатдан Асириддин Ахсикатий, Аҳмад Фарғоний (IX аср) сингари тил, тарих, астрономия, тиббиёт, фалсафа, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа фанлар бўйича етук билимдонлар, алломалар етишиб чиққан. Айни бир вақтда шаҳарда ҳунармандчилик ва савдо юксак даражада ривожланган. Бу ерда қўлигул халқ усталари, истеъдодли бинокорлар, турли ҳунар эгалари яшаб, ижод этганлар. Буюк Ипак йўлида жойлашган Ахсикат шаҳри орқали дунёнинг етти иқлим мамлакатларидан келган савдо карвонлари ўтган.

Корахонийлар ҳукмронлиги даврида, яъни XI асрда пойтахт Ахсикатдан Ўзганга кўчирилган. Лекин археологик ашёлар ҳамда сайёҳлар ёзиб қолдирган манбаларга кўра, Ахсикат XI-XII асрларда ҳам аввалгидек, бутун Фарғона водийсининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверган. Бу ерга Хитойдан, Ўрта ер денгизи атрофи мамлакатларидан, Ҳиндистондан узлуксиз савдо карвонлари келиб турган.

Ахсикат шаҳри уч қисмга бўлинган: шаҳристон — шаҳар маркази; работ — ташқи шаҳар атрофи; арки аъло, яъни шаҳар ҳокими ёки шоҳ қароргоҳи.

Шаҳар атрофи баланд (20 метрга яқин), мустаҳкам деворлар ва чуқур ҳандақлар билан ўраб олинган. Шаҳарга кириш учун 5 та — Мардикуш, Косон, Жомеъ масжиди ҳамда Рикхона номли дарвозалар бўлган, битта дарвоза номи эса номаълум. Мудофаа деворларида минора шаклидаги қоровул тепалар, шаҳар ичкарисида турар-жойлар, кўча ва улкан қўрғон, қаср иншоотлари жойлашган. X-XI асрларда шаҳар майдони 400 гектарга етган. Шаҳардаги уйлар асосан 5-6 хонали бўлиб, хоналар силлиқ қилиб сувалган, айримлари рангли бўёқлар билан пардозланган. Ҳар бир хонадонда алоҳида ётоқхона, омборхона, ошхона, қудуқ, уй ичида эса сандалга ўхшаш иситгич ўчоқлар бўлган. Шаҳристоннинг остидаги сув қувурлари шаҳар аҳолисига 200 йилдан зиёд вақт мобайнида хизмат қилган. Шаҳар марказида, арки аълонинг шарқий томонида XI-XII асрларга оид жомеъ масжиди бўлган.

Шаҳристонда темир ва мис эритадиган махсус печлар, ҳаммом, шаҳар ташқарисида эса ҳунармандларнинг устахоналари, савдо расталари жойлашган.

Ахсикат харобалари асосан, XIX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб режасиз, тартибсиз равишда бўлсада, ўрганила бошланди. Энг ачинарлиси, харобаларни ўрганаётган ва археологик қазиш ишларини олиб бораётган кишилар бу ернинг тарихидан бутунлай хабарсиз эдилар. Шунинг учун улар шаҳар қолдиқларини тарихий нуқтаи назардан эмас, балки бойлик-хазина илинжида ковлаганлар. 1885 йил Петербург университетининг профессори Н.И.Веселовский раҳбарлигидаги қазишлар натижасида сопол ва шиша идиш синиқлари, товоқлар, кўзачалар, сирланган идишлар, турли даврларда зарб этилган тангалар, симоб солинган кўзачалар, зеб-зийнат, заргарлик буюмлари ва бошқа тарихий ашёлар топилган. Ўша даврда топилмаларнинг ҳаммаси Петербургга (ҳозирги Санк-Петербург) олиб кетилган. Топилмалар ичида қўй ва шернинг бош қисми тасвирланган олтин билагузуклар айниқса, диққатга сазовордир. Шунингдек, нафис ва пишиқ ишланган сопол идишлар, ҳайкалчалар, темир, мис ва бронзадан ишланган буюмлар ҳам кўплаб топилган.

Ахсикат харобаларини археологик қазиб ўрганишда И.А.Кастанье (1914 й), Е.М.Массон (1939 й), Яҳё Ғуломов, Инқилоб Аҳроров, Йўлчи Қосимов, Абдулҳамид Анорбоев сингари олимлар қатнашган.

Бугунги кунда Республика Фанлар Академиясининг Археология институти олимлари қадимий шаҳар тарихини илмий асосда ўрганиб, янги маълумотларга эга бўлмоқдалар.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИ

Германия жанубида жойлашган Зуль шаҳри мотоцикл, чангютгич ва турли-туман ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари билан машҳур.

Яқинда юртимизнинг бир гуруҳ ижодкорлари "Герман — ўзбек дўстлик жамияти"нинг таклифи билан Зуль округида ижодий сафарда бўлиб қайтдилар. Сафар чоғида ҳамюртларимиз кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхонада миллий сопол буюмларимиздан намуналар ясаб, немис ҳунармандларини лол қолдиришди. Айниқса, мезбонларда кўзачанинг шарқона кўриниши, такрорланмас миллий безаклари катта қизиқиш уйғотди.

— "Герман — ўзбек дўстлик жамияти" биноси ҳам ўзига хослиги билан эътиборимизни тортди, — деб ҳикоя қилади уста Шуҳрат Ғиёсов. — Бинонинг иккинчи қаватига кўтарилган киши ўзини худди Ўзбекистонда юргандек сезади. Пештоққа катта ҳарфлар билан битилган "Чойхона" сўзи, деворлардаги юртимиз манзараларини, турмуш тарзини акс эттирувчи суратлар бу таассуротни яна-да бойитади. Тўрдаги токчага ўрнатилган катта мис самоварни айтмайсизми?! Ушбу антиқа чойхонани юртимизнинг қўлигул усталари маҳорат билан бунёд этишган экан. Ошпазу чойхоначилар ҳам ўзимиздан — қўллари кўксиларида, мулозаматлар ҳам ўзбекона. Сафар иштирокчиларини 80 кишига мўлжаллаб пиширилган қайнатма шўрва ва ош билан сийлашди. Зира, зарчава, нўхат ва майиз солиб тайёрланган палов сопол лаганларда тортилди. Чойхонадан чиқар эканмиз, қадриятларимиз олис немис диёрида ҳам қадр топаётганидан кўксимиз тоғдек кўтарилганини ҳис қилдик.

Акбар АЛИЕВ

ИСТЕЪМОЛЧИГА ЭСЛАТМА!

"... Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг муддати ёки яроқлилик муддати давомида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт..."

"Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасидан.



Ҳар фаслнинг ўз гашти бор!

ТАРВУЗХЎРЛАР...

Ёзнинг жазирама кунида она заминимизда ғарқ пишиб, шира тортган қовун ёки тарвуз билан чанқовбосди қилган кишининг жони ором олади. Айниқса, бу неъматларни полиздан узилган заҳотиёқ ейишнинг лаззатию роҳати ўзгача-да.

Каттаю кичикнинг ёз фаслидаги кундалик таоми асосан қовун-тарвуздан иборат. Бировнинг бир карч қовун ёки коса қилиб кесилган тарвуздан бош тортганини кўрмайсиз.

Одамларни қўяверинг-ку, бу пайтда ҳатто жонивору ҳашаротлар ҳам бинойидек тарвузхўрга айланиб қолади. Суратларда акс этганидек, тарвуз еб, чанқовбосди қилиш гаштини суришда қовоқари ҳам акаларини ишга солиб қўйиб, ўзи полизнинг бир чеккасида тарвузхўрлик қилаётган болакайдан ҳеч қолишмайди...

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Навоий вилояти

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Навоий шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган "Баркамол авлод — келажагимиз пойдевори" мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

Навоий шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга юзга яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари таклиф этилди. Шу куни шаҳардаги барча маданият ва истироҳат боғлари болажонлар ихтиёрида бўлди.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

ЭКОФЕСТИВАЛЬ ДОИРАСИДА

Жиззах шаҳрида "Мустақиллик, экология, халқ саломатлиги" шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу экологик байрамда вилоятнинг бой табиатини акс эттирувчи "Она замин — болалар нигоҳида", "Она ерни асрайлик", "Ер сайёраси — умумий уйимиз" мавзуидаги кўргазмалар ва катта концерт дастури намойиш этилди.

"Экосан" халқаро ташкилотининг вилоят филиали, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда энг фаол иштирокчиларга мукофотлар топширилди.

Фестивалнинг "Энг долзарб экологик муаммоларни акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари" номинацияси бўйича ғолибликни Жиззах тасвирий ва амалий санъат лицейи жамоаси қўлга киритди. "Табиат инъомларидан ясалган ўйинчоқлар учун" номинациясида Жиззах шаҳридаги "Ниҳол" мактаб-боғчаси, "Энг яхши зардўзлик буюмлари учун" номинациясида эса вилоят ўқувчилар саройи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. "Энг яхши ҳунарманд" мукофоти ёғоч ўймакорлиги буюмлари ясовчи Мухлиса Қодировага насиб этди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

FUND FORUM. UZ

«ЯНГИ АВЛОД - 2007»
РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ
3 ЙИЛ ИЧИДА ҒОЛИБЛАР СОНИ - 384 ТА!
ЁШИНГ 6 дан 14 гача БЎЛСА, СЕН ҲАМ ҒОЛИБЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛ!

Ўз йўналишингни танла:
- Мумтоз чолғу асбоблари (фортепиано, торли, зарбли ва бошқа созлар).
- Миллий чолғу асбоблари (торли, чертиб чалинадиган, зарбли созлар).
- Вокал (анъанавий ижро, академик ижро, эстрада).
- Рақс (миллий, бал, спорт, замонавий рақслар, балет).
- Амалий ва тасвирий санъат.
- Шеърият, насрий асарлар ва саҳна асарлари.

АРИЗАЛАР
2007 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН 1 ОКТЯБРГА ҚАДАР

"Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида қабул қилинади.

СЕНИНГ ИҚТИДОРИНГ + БИЗНИНГ ҚЎМАГИМИЗ = УМУМИЙ ҒАЛАБАМИЗ!!!

Батафсил маълумот учун телефон:
(998-71) 142-08-83, 142-05-56
www.fundforum.uz
e-mail: fondfuz@mail.ru

Диққат, танлов!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Мамлакатимиздаги ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, унинг иштирокчилари ва ғолиблари ютуқларини оммалаштириш мақсадида ахборот агентликлари, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи журналистлари ўртасида эълон қилган танлов давом этади.

Танлов шартлари

Танловга "Келажак овози" танлови жараёнлари, иштирокчилари ва ғолиблари фаолияти, эришган ютуқларини ёритувчи ва 2007 йилнинг 1 мартидан 2008 йилнинг 1 январигача бўлган муддат давомида газета ва журналларда, интернет нашрларда берилган материаллар 2008 йилнинг 10 январига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар сони 6 тадан кам бўлмаслиги ва даврий нашрларнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхада топширилиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили.

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов номинациялари

Танлов икки номинация бўйича ўтказилади:

— "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритиш бўйича матбуотда чоп этилган энг яхши материаллар тўплами;

— "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритиш бўйича интернетда берилган энг яхши материаллар тўплами.

Ғолиблар ҳар икки номинация бўйича қуйидаги тартибда мукофотланади:

- **битта 1-ўрин**
- **иккита 2-ўрин**
- **учта 3-ўрин**

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар "Келажак овози" республика кўрик-танловини ёритишга" деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf@mail.ru

Ташкилий қўмита

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ушбу ҳафтада молиявий соҳада кўзланган натижага эришиш учун кўп уринмаганингиз маъқул. Шанбада уйингизга узоқдан меҳмон ташриф буюриши кутилмоқда.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафтанинг биринчи ярмида фарзандларингизнинг ўқиши билан боғлиқ масалаларни хал қилишингизга тўғри келади. Ундан кейингина бошқа ишларга вақт ажрата олишингиз мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда шахсий ҳаётингизда содир бўладиган ўзгаришлар ишингизга таъсир қилмаслигига ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаринг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Иш фаолиятингизда янада "ўсиш"ни хоҳласангиз ўз устингизда кўпроқ ишлаб, малакангизни ошириб туришингиз лозим. Акс ҳолда бундай имкониятни бой беришингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Табиатан инжиқроқ бўлган мазкур бурж вакиллари ўзларининг бундай феъл-атворлари билан ҳафта давомида яқин кишиларининг кўнглига озор етказишлари мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Айни кунларда барча соҳада ютуқларга эришишингиз мумкин. Бундай пайтда асосийси — эсанкираб қолмаслик. Ҳафтанинг иккинчи ярмида яқинларингизга эътиборлироқ бўлинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Узоқ сафарга отланишдан олдин керакли ҳужжатлардан тортиб, кийим-кечакларгача ҳаммасини тахт қилиб, сўнгра йўлга чиқиш лозимлигини унутманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Яқин кунларда доимгидан кўпроқ сарф-харажат қилишингизга тўғри келади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам олдинда эртанги кун борлигини эсда тутинг. Жума куни хушхабар эшитасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда асабларингиз анча таранглашади. Бироқ шунга қарамай босиқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Айниқса, бу ҳамкорлар билан бўлган муносабатда жуда асқотади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ушбу ҳафтада молиявий ишларда омад сиз томонда бўлади. Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни эса бироз кейинроққа қолдирганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ишингиздан ортиб фарзандлар тарбиясига ва шу баҳона оилангиз даврасида дам олиш учун вақт ажратинг. Ахир ҳаётингиз фақат ишдан иборат эмаску,

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Шу кунларда соғлиғингизга бефарқ бўлманг. Акс ҳолда сизга арзимас бўлиб туюлган касаллик ўзидан катта асорат қолдириши мумкин. Дам олиш кунларида спорт билан шуғулланинг.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна-берди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 8 август
31-32 (581-582)

10755 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-720 Топширилди — 22.30
2 3 4 5 6